

ШОЛИНИНГ АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА
ҚАРШИ КУРАШ УСУЛЛАРИ

Отамирзаев Нодирбек Гофуржонович

PhD., Шолицилик илмий-тадқиқот институты илмий котиби

Аннотация. Үшбү мақолада шоли заараркунандаларига қарши агротехник кураш усулида қалқонли қисқичбақага қарши олдинги «3 йил шоли – 1 йил соя» тизими ўрнига – «1 йил шоли – 1 йил соя» тизими қўлланилди. Тажриба варианти сифатида «1 йил шоли – 1 йил соя» алмашлаб экилганида, андозага нисбатан бу вариантда заараркунанданинг сони 42,8% ёки 20 донага камайганлиги кузатилди. Шу тизимда экиб ўстирилган шолининг («Мустакиллик» ва «Искандар» навлари) ҳар 1 гектаридан 60,3-58,5 центнердан шоли олиниб, назоратга нисбатан 4,4-4,6 ү ошиқ ҳосил тўпланди. Қалқонли қисқичбақага қарши шолининг «Мустакиллик» навида Циперфос (1,0 л/га) ва Каратэ (0,5 л/га) ёрдамида ҳимояланган дала-дан юқори ҳосил (73,4-73,8 ц/га) олиниб, назоратга нисбатан 20,7-21,1 ү қўшимча бўлди. Айни шу инсектицидлар ёрдамида ҳимояланган «Искандар» нави экилган даланинг ҳар 1 гектаридан 68,8-70,7 ү ҳосил олиниб, назоратдан 15,5-18,0 центнерга юқори ҳосил олинганилиги баён этилган.

Таянч тушунчалар: заараркунанда, шоли, экотизим, агротехник кураш, биологик самарадорлик, кимёвий кураш, ҳосил.

МЕТОДЫ БОРЬБЫ С ОСНОВНЫМИ ВРЕДИТЕЛЯМИ РИСА

Отамирзаев Нодирбек Гофуржонович

PhD., ученый секретарь Научно-исследовательского института рисоводства

Аннотация. В статье изложен агротехнический метод борьбы с вредителями, заключающийся в ежегодном чередовании – «1 год риса – 1 год сои» взамен предыдущей – «3 года риса – 1 год сои». В результате применения в эксперименте метода «1 год риса – 1 год сои» количество вредителей уменьшилось на 42,8% или 20 единиц. Урожайность риса, посенного по этой схеме, сортов «Мустакиллик» и «Искандар» с каждого гектара составила 60,3-58,5 ц, что на 4,4-4,6 ц больше, чем в контролльном периоде. Против вредителя ракка щитня при возделывании сорта «Мустакиллик» использованы препараты Циперфос (1,0 л/га) и Каратэ (0,5 л/га), что повысило урожайность (всего собрано – 73,4-73,8 ц/га) на 20,7-21,1 ц/га относительно контрольного периода. При использовании именно этого инсектицида при возделывании сорта «Искандар» собран урожай 68,8-70,7 ц/га, урожайность повысилась на 15,5-18,0 ц/га относительно контрольного периода.

Ключевые слова: вредитель, рис, экосистема, агротехническая борьба, биологическая эффективность, химическая борьба, урожайность.

METHODS OF STRUGGLING AGAINST MAJOR RICE PESTS

Otamirzayev Nodirbek Gofurjonovich

PhD., Scientific secretary of the Research Institute of Rice-growing

Annotation. The article summarizes agro-technical method of pest control, envisaging an annual rotation – «1 year of rice-growing followed by 1 year of soybean-growing» instead of the former approach – «3 years of rice growing with 1 year of soybean-sowing». As a result of the experimental approach «1 year of rice – 1 year of soybean growing», the number of pests decreased by 42.8% or 20 units. The yield of rice (of the Mustakillik and Iskandar varieties) sown according to this scheme achieved 60.3 – 58.5 centners, which is 4.4 – 4.6 centners more than

in the control period. Tsiperfos (1.0 l / ha) and Karate (0.5 l / ha) drugs were used against the pest of the crustacean shchitnya in the cultivation of the Mustakillik variety, which increased the yield (73.4-73.8 centners / ha in total) by 20.7-21.1 centners per hectare relative to the control period. Due to the use of this insecticide in the cultivation of the «Iskandar» variety, the crop reached 68.8-70.7 centners per hectare, the yield increased by 15.5-18.0 centners per hectare compared to the control period.

Key words: pest, rice, ecosystem, agro-technical control, biological efficiency, chemical pest control, crop capacity.

Кириш

Шоли дунё бўйича энг муҳим озуқа экини бўлиб, жаҳон деҳқончилигида экила-диган майдони жиҳатидан иккинчи ўрин, ҳосилдорлиги бўйича эса донли экинлар ора-сида биринчи ўринда туради. ФАО маълумот-ларига кўра [1], 2016 йилда дунё бўйича 751,9 млн т шоли ҳосили етиширилган. Жумладан, Осиёда – 680,1 млн т, Хитойда – 208,5 млн т, Ҳиндистонда – 163,3 млн т, Индонезияда – 72,7 млн т, Бангладешда – 52,6 млн т, Вьетнамда – 43,6 млн т, Таиландда – 32,6 млн т, Японияда – 10,7 млн т, Шри-Ланкада – 4,4 млн т шоли ҳосили олинган. Республикаизда ҳар йили ўртacha 75-85 минг гектар майдонга шоли экилиб, 325 минг т ҳосил йиғиштириб олина-ди.

Республикамиз мустақилликка эриш-ган дастлабки йилларданоқ шолига бўлган эътибор ва талаб янада ошди. Шолининг янги серҳосил, заарли организмларга нисбатан чидамли навларини яратиш ҳамда етиши-риш бўйича кенг қамровли назарий ва ама-лий тадқиқотлар олиб борилди ва ҳалигача давом этмоқда. Тўпланган маълумотларга қараганда, республиканинг шолипоя майдон-ларида зааркунандаларнинг 100 дан ортиқ тури борлиги қайд қилинган. Ўзбекистон йўсимликларни химоя қилиш ва Ўзбекистон Шоличилик илмий-тадқиқот институтларининг маълумотларига қараганда, шолини мун-тазам равишда заарлайдиган ва унга хўжалик жиҳатидан катта талафот етказадиган заар-кунандаларнинг 33 тури мавжуд бўлиб, улар 2-синф, 9 туркум ва 15 оиласа мансубдир.

Шоли ўсимлигига бутун вегетация дав-ри мобайнида зааркунандалар катта зиён келтиради. Айниқса, шоли униб чиқиш дав-рида қалқонли қисқичбақа (*Apus concriformis*

Sh.)нинг зарари катта бўлиб, у ёш майсаларнинг илдизини кемириб, ниҳолларни сув бе-тига чиқариб юборади. Бунинг оқибатида ёш майсалар нобуд бўлади ва шоли ўсимлигининг кўчат қалинлиги ҳамда пировард натижада, унинг ҳосилдорлигига катта заар етади. Шо-лининг янги яратилган навларининг турли ривожланиш фазаларида заар келтирувчи за-аркунандалар ва уларнинг зарарини аниқлаб, уларга қарши муҳим чора-тадбирлар кўриш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик дара-жаси. Сўнгги пайтларда зааркунандаларни бошқаришнинг янги принциплари, техноло-гиялари ва стратегиялари ишлаб чиқилган. Булардан бири Хитойда кенг тан олинган «яшил ўсимликларни химоя қилиш» технологияси-дир. Бу технология бўйича шоли зааркунан-даларни бошқариш кимёвий бўлмаган усул ва воситалар ёрдамида амалга оширилади. Усул ҳозирча кичик ер майдонларида синовдан ўтказилмоқда [2].

Мамлакатимизнинг тупроқ-иқлим шаро-итларида XX асрнинг 30-90 йилларида шоли ўсимлигига заар келтирувчи зааркунандалар ҳамда уларга қарши кураш (агротехник, биологик, кимёвий) устида тадқиқотлар олиб борилган

В.П. Шагаев келтирган маълумотларига кўра, жаҳонда заарли организмлар таъсири натижасида ҳар йили қишлоқ ҳўжалик экинлар ҳосилининг 30% дан ортиқ қисми йўқотилар экан. Шунинг учун ҳам интенсив технология-ларни қўллаш, ўсимликлар химоясида кимёвий воситалардан кенг фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигини қўллашни таъминлаш керак-лиги таъкидланади [3].

М.П. Сборщикова томонидан Ўзбекис-

ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ФАНЛАРИ

тонда шоли зааркунандалари бўйича энг мумкаммал тадқиқотлар ўтган асрнинг 70-йилларида олиб борилиб, энг муҳим зааркунандаларга қарши кураш чоралари ишлаб чиқилган ва тавсиялар берилган [4]. Аммо адабиётда келтирилган тавсиялар бугунги кунда ишлаб чиқаришдан чиқиб кетган.

В.В. Яхонтов маълумотларига қараганда, Ўрта Осиёда шолипоя узунбуруни шоли ўсимлигига зиён келтирувчи зааркунанда сифатида қайд этилган ва бу зааркунандалага қарши кураш учун тавсиялар берган. [5].

Шолининг янги серҳосил ўрта ва кечпишар навларининг яратилиши, шолипояларнинг, асосан, олдиндан сув бостириб, ургуни ивитиб экилиши сабабли униб чиқиш ҳамда бошқа фазаларида зааркунандалар (қалқонли қисқичбақа, пучгул трипси каби) кўпайишига қулай шароит яратиб берди. Бизнинг тадқиқот ишимизнинг бошқа илмий изланишлардан фарқи шолининг асосий зааркунандаларига қарши замонавий усул (агротехник, кимёвий) ва воситалар ёрдамида самарали қарши кураш уюштириб, янги такомиллаштирилган тизими амалиётга жорий этишdir.

Тадқиқот мақсади. Шоли агробиоценозида яшовчи зааркунандалар тур тарки-

бини аниқлаб, уларнинг ривожланиш динамикаси, шолига зарар келтириш даражаси ва иқтисодий зарар миқдор мезонини ўрганиш асосида уларга қарши замонавий восита ва усуllар яратиб, умумий ҳимоя қилиш тизими ни такомиллаштиришdir.

Тадқиқот усуллари

Зараарли ҳашаротларнинг миқдори ҳамда агротоксикологик тадқиқотлар Ш.Т. Хўжаев [6] таҳрири остида нашр этилган «Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар» ҳамда А.И. Касъянов услублари асосида бажарилди [7]. Олинган натижалар дисперсион таҳдил қилиниб, энг кичик фарқи (ЭКФ) Б. Доспехов бўйича аниқланди [8].

Тадқиқот натижалари

Шоли агробиоценозида ҳаёт кечира-диган асосий зааркунандалар ҳамда табиий энтомофаглар таҳдил қилинган. Улар, асосан, шолининг майсалик даврида унинг вегетатив ва генератив аъзоларини шикастлайдиган зааркунандалар бўлиб, бўғиноёқлилар типининг 2-синф намуналарини ташкил қилади (ҳашаротлар ва қисқичбақасимонлилар).

Шолига зарар келтирадиган ҳашаротлар 6 та туркум, 6 та оила ва 9 турга қарашлидир

Жадвал

Қалқонли қисқичбақага қарши қўлланилган кимёвий воситаларнинг биологик самарадорлиги

Вариантлар	Дорининг сарф-мөъёри, л/га	Ўртача 1 м ² даги қалқонли қисқичбақанинг сони, экз.						Самарадорлик, % кунларга			
		Ишлов беришга қадар	Ишловдан кейинги, кунларда								
			1	3	7	14	1	3	7	14	
Каратэ, 5% эм.к.	0,5	15,8	14,0	10,3	6,5	2,1	25,2	48,7	69,7	90,8	
Каратэ, 5% эм.к.	1,0	17,3	14,7	10,2	6,0	2,0	21,8	51,4	74,6	92,1	
Каратэ, 5% эм.к.	1,5	16,8	14,0	9,8	5,5	1,8	23,3	51,9	76,0	92,9	
Циперфос, 55% эм.к.	1,0	17,0	14,6	10,2	5,5	1,7	21,0	50,5	76,3	92,4	
Циперфос, 55% эм.к.	1,5	17,8	14,5	9,8	5,3	1,5	25,0	54,6	78,2	94,5	
Циперфос, 55% эм.к.	2,0	16,7	13,5	9,5	5,0	1,3	25,6	53,1	78,0	94,8	
Фуфанон, 57% эм.к. (андоза)	2,0	18,2	15,3	11,5	7,3	3,5	21,7	46,6	65,4	84,6	
Назорат (ишловсиз)	-	15,0	16,3	18,2	20,5	22,8	-	-	-	-	

(жадвалга қаранг). Асосий турлар *Apis concriformis* Sh. ҳамда *Haplotrips aculeatus* Fabr. лар шолига бошқа заараркунандаларга нисбатан күчлироқ зарар келтириши аниқланди.

Тадқиқот ишида шолидаги заараркунандаларга қарши қўлланилган турли агротехник ва кимёвий кураш тадбирларининг самарадорлиги келтирилган. Шолини униб чиқиш фазасида катта зиён келтираётган асосий заараркунандалардан бири қалқонли қисқичбақадан ҳимоя қилиш мақсадида иккита асосий агротехник тадбирнинг аҳамиятига ўсимликларни ҳимоя қилиш юзасидан баҳо берилди.

Буларнинг бири – шоли экишга мўлжалланган ерни кузда шудгорлашда ҳайдаш чуқурлигига ўзгартириш киритишидир: ишлатиладиган 17-20 см лик чуқурлик ўрнига янада чуқурроқ, яъни 20-25 см ни жорий этиш ва иккинчиси – «шоли-соя» алмашлаб экишда: «3 йил шоли – 1 йил соя» эмас, балки «1 йил шоли – 1 йил соя» тизимини синаб кўриш эди. Тажрибада биринчи вариант андоза (ерни 17-20 см ҳайдаш) бўлиб, унда 1 м² майдонда қалқонли қисқичбақа 19 дона, тажриба вариантида эса (ерни 20-25 см ҳайдаш) қалқонли қисқичбақа 7,5 донани ташкил этди. Бундан кўриниб турибдик, андоза вариантига нисбатан ерни чуқурроқ ҳайдаш ҳисобига қалқонли қисқичбақа 39,4% га камайган.

Тадқиқотда ерни алмашлаб экишда «3 йил шоли – 1 йил соя» андозасидан олинган вариантда қалқонли қисқичбақа 35 донани ташкил этди. Тажриба вариантни сифатида «1 йил шоли – 1 йил соя» алмашлаб экилганида, қалқонли қисқичбақа сони 15 донани ташкил этиб, андозага нисбатан бу вариантда заараркунанда сони 42,8% ёки 20 донага камайганини кузатилди. Бундан кўриниб турибдик, агар 1 йил шоли ўрнига соя ўсимлиги экилса, қалқонли қисқичбақанинг сони кескин камайиб, шоли ҳосилдорлиги ошади.

Шолининг униб чиқиш даврида қисқичбақага қарши қўйидаги инсектицидлар турли хил сарф-меъёрларда сепиб кўрилди:

1. Каратэ, 5 % эм.к. (лямбдацигалотрин) – 0,5-1,0-1,5 л/га;
2. Циперфос, 55% эм.к. (ципер-метрин+хлорпирифос) – 1,0-1,5-2,0 л/га;
3. Фуфанон, 57% эм.к. (малатион) (андоза) – 2,0 л/га.

Тадқиқот ишида шолининг «Мустақиллик» ва «Искандар» навлари ургидан униб чиқсан ниҳолларни қисқичбақадан ҳимоя қилиш учун икки хил инсектицид (Каратэ ва Циперфос) турли сарф-меъёрларда синовдан ўтказилди. Энтомологик назоратлар дори сепишга қадар ва ундан кейин 14 кун мобайнида ўтказилди. Ишлов беришгача барча варианtlарда қисқичбақа сони ҳар 1 м² да 15,0 тадан 18,2 тагача бўлса, кейинчалик улар астасекин камая бошлади (назорат бўлакчасидан ташқари).

Охирги ҳисоб-китоб куни (14) деярли барча варианtlардан юқори натижা олингани маълум бўлди (87-94%). Лекин, шунга қарамасдан, иқтисодиёт ва атроф-муҳит ҳимоясини назарда тутиб, амалиётда қўллаш учун Каратэ – 0,5 л/га, Циперфос – 1,0 л/га тавсия этилди.

Тадқиқотларда шоли заараркунандаларига қарши агротехник тадбирлардан бири экинларни алмашлаб экишнинг андоза вариантига нисбатан («3 йил шоли – 1 йил соя») ўзгартирилган («1 йил шоли – 1 йил соя») вариантни синаб кўрилиб, қўйидаги натижা олинди. Бир йил шоли+бир йил соя экилган вариантдан шолининг «Мустақиллик» навидан 60,3 центнер, яъни назорат вариантига нисбатан 4,4 центнер қўшимча ҳосил олинди. Шу схемада, аммо «Искандар» навидан ўртача 58,5 центнер ҳосил олиниб, назоратга нисбатан 4,6 центнер қўшимча ҳосил олинди.

Шолининг «Мустақиллик» навидан кимёвий воситалар (Каратэ – 0,5 л/га, Циперфос – 1,0 л/га) қўллаш натижасида юқори (73,4-73,8 ц/га) ҳосил олинди. Бу назоратдан 20,7-21,1 центнерга кўпроқдир. Шолининг «Искандар» навидан эса кимёвий воситаларни қўллаш натижасида ҳар гектардан 68,8-70,7 центнер ҳосил олишга эришилди. Бу назоратдан 15,5-18,0 центнерга ошиқдир.

Хуноса

1. Шоли зааркунандаларининг зичлиги юқори бўлмай, улардан келадиган зиённинг олдини олиш учун янги экин алмаштириб экиш тизимининг афзаллиги аниқланди. Бу олдинги: «3 йил шоли – 1 йил соя» тизими ўрнига – «1 йил шоли – 1 йил соя» тизими дир. Шу тизимда экиб ўстирилган шолининг («Мустақиллик» ва «Искандар» навлари) ҳар 1 гектаридан 60,3-58,5 центнердан шоли олинниб, назоратга нисбатан 4,4-4,6 ц ошиқ ҳосил тўпланди.

2. Шолида қалқонли қисқичбақага қарши фаол курашиш учун Циперфос (1,0 л/га) ва Караптэ (0,5 л/га) ишлатилганда, юқори самарага

эришилди. 14 кунга бориб, мос ҳолда 93,4-92,2%, 91,3-90,0% лик биологик самара олинди. Инсектицидлар сув оқими тўхтатилган полларга ўсимлик ниҳоллик даврида пуркалади.

3. Қисқичбақага қарши шолининг «Мустақиллик» навида Циперфос (1,0 л/га) ва Караптэ (0,5 л/га) ёрдамида ҳимояланган даладан юқори ҳосил (73,4-73,8 ц/га) олинниб, назоратга нисбатан 20,7-21,1 ц қўшимча бўлди. Бунда сарфланган ҳар 1 сўм эвазига қўшимча 3,15-3,19 сўмлик маҳсулот олинди. Айни шу инсектицидлар ёрдамида ҳимояланган «Искандар» нави экилган даланинг ҳар 1 гектаридан 68,8-70,7 ц ҳосил олинниб, назоратдан 15,5-18,0 центнерга ошиқ бўлди. Сарфланган ҳар 1 сўм эвазига 3,74-4,0 сўмлик қўшимча маҳсулот олинди.

Манба ва адабиётлар

1. Food and Agriculture Organization of the United Nations. (FAO) 2017.
2. Hong-xing Xu, Yang Ya-jun, Lu Yan-hui, Zheng Xu-song, Tian Jun-ce, Lai Feng-xiang, Fu Qiang, Lu Zhong-xian Sustainable Management of Rice Insect Pests by Non-Chemical-Insecticide Technologies in China // Rice Science. – 2017. – Р. 61-72.
3. Шагаев В.П. Болезни и вредители риса в Узбекистане. – Т.: 1940. – 123 с.
4. Сборщикова М.П., Крайнова Э.В. Состояние и проблемы рисоводства в Узбекистане // Узбекистон қишлоқ хўжалиги. – 1982. – №12. – Б. 22-23.
5. Яхонтов В.В. Экология насекомых. – М.: «Высшая школа», 1969. – 487 с.
6. Хўжаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаши бўйича услубий кўрсатмалар. – Т.: 2004. – 110 б.
7. Касьянов А.И. Вредители риса. – М.: 2008. – 220 с.
8. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – М.: Колос, 1985. – 350 с.

Тақризчи:

Анорбаев А., Тошкент давлат аграр университети, «Ўсимликларни ҳимоя қилиш» кафедраси доценти